

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Ҳ У К М

2025 йил февраль ойининг 12-куни, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди ўз биносида, видеоконференц-алоқа режимидаги очик суд мажлисида, раислик қилувчи суд раиси М.Марахимов, судья ёрдамчиси Ҳ.Омоновнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлардан Марғилон шаҳар прокурори ўринбосари Ж.Хомидов, судланувчи Ж.Аҳмаджонов ва унинг ҳимоячиси А.Эсонов, судланувчи М.Аҳмедов ва унинг ҳимоячиси Б.Умаров ҳамда жабрланувчилар А.Таджибаев ва Б.Сулаймоновнинг иштирокида, Аҳмаджонов Жаҳонгир Шавкатжон ўғли ва Аҳмедов Муродхон Мухаммадовичга нисбатан 1-1513-2401/649-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Аҳмаджонов Жаҳонгир Шавкатжон ўғли (Ahmadjonov Jahongir Shavkatjon o'g'li), 1992 йил 21 августда Охунбобоев (ҳозирги Қўштепа) туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Қўштепа тумани, Дехқонобод маҳалла фуқаролар йиғини, Сихатгоҳ кўчаси, 63-уйда яшаган, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 6 декабрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “б” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Аҳмедов Муродхон Мухаммадович (Ahmedov Murodxon Muxammadovich), 1986 йил 17 сентябрда Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишламайди, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Марғилон шаҳар, Милтиқсоз маҳалла фуқаролар йиғини, Б.Марғиновий кўчаси, 81-уй, 25-хонадонда яшайди, иш бўйича “Муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 6 декабрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “б” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчилар, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Аҳмаджонов Жаҳонгир Шавкатжон ўғли ва Аҳмедов Муродхон Мухаммадович 2023 йил октябрь ойида, фуқаро Таджибаев Асилжон



Абдуллаевичга Марғилон шаҳар маъмурий ҳудудига ўтган Қўштепа тумани, “А.Яссавий-Лойсон” мавзесидан 3-ер участкасида мавжуд бўлган 0,04 га ер майдонини кўрсатишиб, мазкур ер майдони учун тегишли ҳужжатларини қилиб беришини айтишиб, уни алдашиб, у билан ер майдонини 122.192.300 сўмга тенг 10.000 АҚШ долларига сотишга келишиб, жиноят ишининг унга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилган бошқа шахс билан олдиндан жиноий тил бириктиришиб, собиқ Охунбобоев тумани А.Яссавий жамоа хўжалигининг 1994 йил 3 майдаги 1-сонли қарорига асосан А.Таджибаевга 0.04 га ер майдони ажратилганлиги тўғрисидаги Фарғона вилояти архив иши ҳудудий бошқармасининг 2019 йил 17 майдаги 01-44-1/695э-сонли қалбаки кўчирмасини беришиб, унинг 122.192.300 сўмга тенг 10.000 АҚШ доллари пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишиб, пулларни шахсий эҳтиёжларига сарфлаб, А.Таджибаевга кўп миқдорни ташкил этувчи 122.192.300 сўмга тенг 10.000 АҚШ доллари моддий зарар етказишган.

Судланувчи Ж.Аҳмаджонов ўзининг ўзгани мулкини алдаш йўли билан қўлга киритиш жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2024 йил 21 февраль куни автомашиналар савдоси билан шуғулланувчи таниши Сулаймонов Бобирбек Миркомил ўғли билан банкдан кредит ҳисобига харид қилинган бир дона “Трекер” ва бир дона “Onix” русумли автомашиналарини 14.000 АҚШ долларига сотишга келишиб, унга икки ой муддатга автомашиналарнинг ҳужжатларини ҳал қилиб, унинг номига ўтказиб беришини айтиб, уни алдаб, уни 174.657.140 сўмга тенг 14.000 АҚШ доллари пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, Б.Сулаймоновга берган ваъдасини бажармасдан пулларни шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юбориб, Б.Сулаймоновга жуда кўп миқдорни ташкил этувчи 174.657.140 сўмга тенг 14.000 АҚШ доллари моддий зарар етказган.

Судланувчи Ж.Аҳмаджонов суд мажлисида ўзига эълон қилинган айбловга қисман иқрор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам, у М.Ахмедов билан 2021 йилда “Конфорт Авто техник кўрик” МЧЖга қарашли автосервисда ишлаб юрган вақтида танишгани, 2023 йил октябрь ойида, таниши Б.Ғофуров унга қўнғироқ қилиб, “Киргили мост”дан тушганда жойлашган “Киргили мазор” олдида, 4 сотихли ери борлиги, уни сотмоқчи эканини айтганда, М.Ахмедовга бу ҳақда айтгани, М.Ахмедов Б.Ғофуровдан ушбу ерни сотиб олиб, ушбу ерни сотиш ҳақида эълон бергани, кейинчалик ушбу эълон бўйича А.Таджибаев уларни олдида келганда, М.Ахмедов билан бирга А.Таджибаевга ерни кўрсатиш учун бирга боргани, А.Таджибаев М.Ахмедов билан ерни сотиб олиш ҳақида келишиб,

ерни  
10.000 АҚШ долларига сотиб олгани, ерни ҳужжатини М.Ахмедов тайёрлаб бергани, ишлари юришмай бир неча шахслардан қарздор бўлиб, ўзига пул зарур бўлиб қолгани сабабли 2024 йил 21 февраль куни турмуш ўртоғини номида бўлган “Трекер” ва “Onix” русумли автомашиналарини таниши Б.Сулаймоновга 14.000 АҚШ долларига сотгани ва унга икки ойдан сўнг ушбу автомашиналарни кредитларини ёпиб, номига ўтказиб беришини айтгани, лекин кредитларни тўлай олмагани учун автомашиналарни Б.Сулаймоновни номига ўтказиб бермагани, кейин ишлаб қарзларини узиш мақсадида 2024 йил



май ойида, Россия Федерациясига чиқиб кетгани, шундан сўнг Б.Сулаймонов уни устидан ИИБга ариза бергани, ҳозирда жабрланувчиларга етказилган зарар оила аъзолари томонидан тўлиқ қоплангани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, суддан ўзига нисбатан енгиллик берилишини сўради.

Судланувчи М.Ахмедов суд мажлисида ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам, Ж.Аҳмаджонов “Конфорт Авто техник кўрик” МЧЖга қарашли автосервисда ишлаб юрган вақтида, ундан 4.700 АҚШ доллари қарз бўлиб қолгани, 2023 йил октябрь ойида, таниши Ж.Аҳмаджонов унга “Қиргили мост”дан тушганда жойлашган “Қиргили мазор” олдида, 4 сотих ер сотилишини айтганда, ушбу ерни сотиш ҳақида эълон бергани, ушбу эълон бўйича А.Таджибаев танишлари орқали у билан боғланиб, ер сотиб олмоқчи эканини айтгани, кейин у Ж.Аҳмаджонов билан бирга А.Таджибаевга ушбу ерни кўрсатишгани, А.Таджибаев уларга ер маъкул келганини айтгани, кейин Ж.Аҳмаджонов билан бирга А.Таджибаевга ерни 10.000 АҚШ долларига сотишга келишишгани, шундан сўнг А.Таджибаев Ж.Аҳмаджоновга 10.000 АҚШ доллари пулларни икки марта бўлиб бергани, Ж.Аҳмаджонов ушбу пуллардан 4.700 АҚШ долларини ундан бўлган қарзи эвазига бергани, шундан сўнг А.Таджибаевга ерни ҳужжатларини тайёрлаб беришгани, ерни ҳужжатларини уларга ким тайёрлаб берганини эслай олмаслигини, ҳозирда А.Таджибаевга етказилган зарар тўлиқ қоплангани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, суддан ўзига нисбатан енгиллик берилишини сўради.

Судланувчи Ж.Аҳмаджонов ўзига эълон қилинган айбловга қисман, судланувчи М.Ахмедов тўлиқ иқрор бўлиб кўрсатув беришган бўлсалар-да, уларнинг юқоридаги жиноятларни содир этганликдаги айблари суд мажлисида текширилган ва жиноят ишида мавжуд қуйидаги далиллар билан тасдиқланади, жумладан:

- жабрланувчи А.Таджибаевнинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам, у ўзига уй-жой куриш учун ер сотиб олмоқчи бўлиб юрган вақтда, Марғилон шаҳар маъмурий ҳудудига ўтган Қўштепа тумани, “А.Яссавий-Лойсон” мавзесидан 3-ер участкасида мавжуд бўлган 0,04 га ер майдонини сотилиши ҳақида эшитиб, 2023 йил октябрь ойида, ўзларини ушбу ерни эгалари деб таништирган Ж.Аҳмаджонов ва М.Ахмедов билан кўришгани, шунда Ж.Аҳмаджонов ва М.Ахмедов унга ерни кўрсатишиб, ушбу ер ўзларига тегишли эканини, ҳужжатларини қилиб беришларини айтишгани, шундан сўнг улар билан ерни ўзаро савдолашиб, 10.000 АҚШ долларига сотиб олгани ва 10.000 АҚШ долларини икки марта бўлиб тўлиқ қилиб, уларга берганидан сўнг М.Ахмедов ва Ж.Аҳмаджонов ерни қарорини унга беришиб, ушбу ҳужжат қалбаки эмаслигини, кимга олиб бориб кўрсатса ҳам қарорни тан олишларини айтишиб, ер жойлашган ҳудудга бориб, ерни ўлчаб беришиб, унинг чегараларини кўрсатиб беришгани, шундан сўнг курилиш ишларини амалга оширишни бошлагани, 2024 йил апрель ойида, курилиш қилаётган жойига Марғилон шаҳар кадастр идораси ходимлари келишиб, ушбу ер давлат захирасидаги ер экани,

ерни  
ҳужжатлари



бор-йўқлигини сўрашганда, уларга М.Ахмедов ва Ж.Аҳмаджонов берган қарорни тақдим қилгани, кейинчалик тергов давомида М.Аҳмаджонов ва М.Ахмедов берган қарор қалбаки экани, улар унга ерни ўзларига тегишли эканини алдаб сотишгани ҳақида билгани, ҳозирда етказилган 10.000 АҚШ доллари зарар тўлиқ қоплангани сабабли судланувчилар нисбатан даъвоси йўқлиги ва уларга енгиллик беришни сўраши ҳақидаги;

- жабрланувчи Б.Сулаймоновнинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам, 2023 йилда таниши А.Бокиев орқали Ж.Аҳмаджонов билан танишгани, 2024 йил февраль ойи ўрталарида, Ж.Аҳмаджонов олдида А.Бокиев билан бирга келиб, унга сотиладиган бир дона “Тreker” ва бир дона “Onix” русумли автомашиналари борлиги, ушбу автомашиналарнинг кредит тўловлари борлигини, ҳозирда ўзига нақд пул кераклиги сабабли автомашиналарни сотаётгани ҳақида айтгани, кейин у автомашиналарини кўздан кечириб, Ж.Аҳмаджонов билан автомашиналарни 14.000 АҚШ долларига келишгани, Ж.Аҳмаджонов унга 14 000 АҚШ долларига сотган автомашиналарни икки ойдан сўнг 16.300 АҚШ долларига ўзи қайта сотиб олишини айтиб, бу ҳақида тилхат ёзиб бергани, келишувга кўра, агар автомашиналарни ўз вақтида ундан қайта сотиб олмаса, уларни кредит тўловларини ўзи тўлаб, автомашиналарни уни номига ўтказиб беришини айтгани, шундан сўнг у унга ишониб, рози бўлиб, унга 14.000 АҚШ доллари бергани, таниши А.Бокиев унга Ж.Аҳмаджонов ишончли одам эканини айтгани учун автомашиналарни Ж.Аҳмаджоновни ўзида сақланишига рози бўлгани, лекин келишилган муддат ўтганидан сўнг Ж.Аҳмаджонов автомашиналарнинг кредитларини тўламай автомашиналарни номига ўтказиб бермагани, кейин ундан пулларини беришини сўраганда, уни турли баҳоналар билан алдаб келгани, шундан сўнг уни устидан ИИБга ариза билан мурожаат қилгани, ҳозирда етказилган зарар тўлиқ қоплангани сабабли судланувчи Ж.Аҳмаджоновга нисбатан даъвоси йўқлиги ва унга енгиллик беришни сўраши ҳақидаги;

- гувоҳ А.Бокиевнинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам, 2024 йил февраль ойи ўрталарида, таниши Ж.Аҳмаджонов олдида келиб, ўзига 14.500 АҚШ доллари пул кераклиги сабабли сотиш учун насияга машина бериб туришини сўраганда, унга ўзида сотиладиган машина йўқлигини айтгани, шунда у бирорта танишидан унга пул сўраб, ўртада туриб олиб беришини, икки ой муддат ичида ушбу пулларни қайтариб беришини, иккита машинаси борлигини, уларни унга сотиб, икки ойдан сўнг ўзи автомашиналарни қайта сотиб олишини айтгани, кейин у Ж.Аҳмаджонов билан яқиндан таниш бўлгани сабабли у билан таниши Б.Сулаймоновни олдида боргани, Ж.Аҳмаджонов Б.Сулаймоновга ўзида бир дона “Тreker” ва бир дона “Onix” русумли автомашиналари борлиги, ушбу автомашиналарнинг кредит тўловлари борлигини, ҳозирда ўзига нақд пул кераклиги сабабли автомашиналарни сотаётгани ҳақида айтгани, кейин Б.Сулаймонов автомашиналарни кўздан кечириб, Ж.Аҳмаджонов билан автомашиналарни 14.000 АҚШ долларига келишгани, Ж.Аҳмаджонов Б.Сулаймоновга 14 000 АҚШ долларига сотган автомашиналарни икки ойдан сўнг 16.300 АҚШ долларига ўзи қайта сотиб олишини айтиб, бу ҳақида тилхат ёзиб бергани, келишувга кўра, агар



автомашиналарни ўз вақтида ундан қайта сотиб олмаса, уларни кредит тўловларини ўзи тўлаб, автомашиналарни Б.Сулаймоновни номига ўтказиб беришини айтгани, шундан сўнг Б.Сулаймонов бунга рози бўлиб, Ж.Аҳмаджоновга 14.000 АҚШ доллари бергани, у Ж.Аҳмаджонов ёзиб берган тилхатга гувоҳ сифатида имзо қўйиб бергани, лекин келишилган муддат ўтгандан сўнг Ж.Аҳмаджонов Б.Сулаймоновга берган ваъдасини бажармай, пулларини бермагани, шундан сўнг Б.Сулаймонов Ж.Аҳмаджоновни устидан ИИБга ариза билан мурожаат қилгани ҳақидаги;

- гувоҳ Д.Мирзакаримовнинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам, Кадастр агентлиги Марғилон шаҳар бўлими етакчи инспектори вазифасида ишлаб келишини, у Марғилон шаҳар, Юксалиш маҳалла фуқаролар йиғини раиси С.Жураеванинг алоқа хатига асосан Юксалиш маҳалласи ҳудудида ер назорат тадбирлари (мониторинг) ишларини ўтказгани, ўрганиш давомида Нурафшон маҳалласи, Бободехқон кўчасида жойлашган муқаддам Кўштепа тумани ҳокимлиги ихтиёрида қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш учун қолдирилган 400 кв.м дан иборат ер майдонида ноқонуний қурилиш ишлари амалга оширилаётгани аниқлагани ва мазкур жойга қурилиш қилаётган фуқаро А.Таджибаев билан суҳбатлашилган вақтда, у ушбу ерни 2023 йил ноябрь ойида 10.000 АҚШ долларига “Муродхон” ва “Жахонгир” исмли шахслардан сотиб олгани ва улар унга ҳужжатларини қилиб беришгани ҳақида айтиб, Охунбобоев туман А.Яссавий жамоа хўжалигининг 1994 йил 5 майдаги 1-сонли қарорини архив бўлими томонидан 2019 йил 17 майдаги 01-44-1/695-сонли кўчирмаси билан тасдиқланган қарор нусхасини тақдим қилгани, ушбу қарорни текширишган вақтда қарор қалбаки экани аниқлангани сабабли тўпланган ҳужжатларни қонуний қарор қабул қилишлик учун Марғилон шаҳар прокуратурасига юборилгани ҳақидаги кўрсатувлари ҳамда иш бўйича тўпланган ва судда текширилган бошқа объектив далилар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топади.

Гарчи судланувчи А.Аҳмаджонов айбига қисман иқдор бўлиб, А.Таджибаев М.Ахмедов билан ерни сотиб олиш ҳақида келишиб, ерни 10.000 АҚШ долларига сотиб олгани, у уларнинг савдосига аралашмагани ҳақида юқорида мазмуни батафсил ёритилган кўрсатув берган бўлса-да, унинг ушбу кўрсатувлари судда сўралган судланувчи М.Ахмедов, жабрланувчи А.Таджибаевнинг суддаги кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида мавжуд ва судда текширилган далиллар билан рад қилинади ҳамда суд унинг кўрсатувларига танқидий баҳо беради.

Суд, судланувчилар Ж.Аҳмаджонов ва М.Ахмедовнинг жиноий ҳаракатлари юридик квалификациясини муҳокама қилиб, тергов органи томонидан Ж.Аҳмаджоновни жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди ва 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан, М.Ахмедовнинг жиноий ҳаракатлари ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди ва 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Бироқ куйидаги асосларга кўра, судланувчилар Ж.Аҳмаджонов ва М.Ахмедовнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан нотўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида, айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмида, ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 9-моддасида, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 4-бандида, фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилиши;

- 21-бандида, қалбаки ҳужжатдан фойдаланган ҳолда содир этилган фирибгарлик, башарти ҳужжат айбдор томонидан тайёрланган ёки сохталаштирилган бўлса, жиноятлар мажмуи тарзида ЖКнинг 168-моддаси ва 228-моддаси биринчи ёки иккинчи қисмлари билан квалификация қилиниши, бошқа шахс томонидан тайёрланган қалбаки ҳужжатдан фойдаланган ҳолда фирибгарлик содир этган шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 168-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилиниши ва ЖКнинг 228-моддаси учинчи қисми билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмаслиги, чунки бундай ҳолда ҳужжат айбдор томонидан ўз мақсадига эришиш учун алдаш воситаси сифатида фойдаланилган бўлиши тўғрисида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Жиноят иши ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, Ж.Аҳмаджонов ва М.Ахмедов жабрланувчи А.Таджибаевга Марғилон шаҳар маъмурий ҳудудига ўтган Қўштепа тумани, “А.Яссавий-Лойсон” мавзесидан 3-ер участкасида мавжуд бўлган 0,04 га ер майдонини кўрсатишиб, мазкур ер майдонини ўзларига тегишли эканини, тегишли ҳужжатларини қилиб беришини айтишиб, уни алдашиб, жиноят ишининг унга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилган бошқа шахс билан олдиндан жиноий тил бириктиришиб, Марғилон шаҳар маъмурий ҳудудига ўтган Қўштепа тумани, “А.Яссавий-Лойсон” мавзесидан 3-ер участкасида мавжуд бўлган 0,04 га ер майдони ажратилганлиги тўғрисидаги ҳужжатни қалбакилаштириб, бу ҳақда Фарғона вилояти архив иши ҳудудий бошқармасининг 2019 йил 17 майдаги 01-44-1/695э-сонли кўчирмасини тайёрлаб бериб, А.Таджибаевнинг кўп миқдорни ташкил этган 122.192.300 сўмга тенг 10.000 АҚШ доллари пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишган бўлиб, юқоридаги



қалбакилаштирилган ҳужжат судланувчилар Ж.Аҳмаджонов ва М.Аҳмедов томонидан ўзларининг мақсадларига эришишлари учун алдаш воситаси сифатида фойдаланишган.

Юқоридаги асосларга кўра, суд судланувчилар Ж.Аҳмаджонов ва М.Аҳмедовнинг ҳаракатларидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмини чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги қонун талаби ва қарор тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи Ж.Аҳмаджоновга жазо тайинлашда, жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни йўқ деб ҳисоблайди ва етказилган зарар тўлиқ қоплангани, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлиги, айбига иқроор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ва муқаддам судланмаганини жазони енгиллаштирувчи ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, жазо санкциясида назарда тутилган жарима жазосини энг кам қисмидан ҳам камроғини тайинлашни, жарима миқдорини белгилашда жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда тайинлашни;

-судланувчи М.Аҳмедовга жазо тайинлашда, жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни йўқ деб ҳисоблайди ва етказилган зарар тўлиқ қоплангани, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги, айбига тўлиқ иқроор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ва муқаддам судланмаганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан жазо санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни ҳамда иш бўйича жабрланувчилар А.Таджибаев ва Б.Сулаймоновга етказилган моддий зарар бартараф этилганини инобатга олишни, тергов ҳаракати баённомаси туширилган бир дона дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:



Судланувчи Аҳмаджонов Жаҳонгир Шавкатжон ўғли (Ahmadjonov Jahongir Shavkatjon o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди ва 228-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ж.Аҳмаджоновга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 (икки юз) баравари миқдорида 68.000.000 (олтмиш саккиз миллион) сўм жарима жазоси, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг

57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 (эллик) баравари миқдорида 17.000.000 (ўн етти миллион минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 3-қисмига асосан Ж.Аҳмаджоновга тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 201 (икки юз бир) баравари миқдорида 68.340.000 (олтмиш саккиз миллион уч юз қирқ минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан Ж.Аҳмаджоновни

2024 йил 2 ноябрь кунидан 2025 йил 12 февраль кунига қадар қамокда ўтирган 103 кунни тайинланган жарима жазосини 51,5 баравари миқдорида 17.510.000 сўм жаримага тенглаштирган ҳолда чегириб, ўташ учун узил-кесил 50.830.000 (эллик миллион саккиз ўттиз минг) сўм жарима жазоси қолдирилсин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Ж.Аҳмаджоновга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва дарҳол суд залидан қамокдан озод қилинсин.

Судланувчи Аҳмедов Муродхон Мухаммадович (Ahmedov Murodxon Muhammadovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди ва 228-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

М.Аҳмедовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 3-қисмига асосан М.Аҳмедовга тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо, уни ижросини назорат этувчи Марғилон шаҳар ИИБ Пробация бўлими томонидан белгилаб берилган жойларда ўтатирилсин.



Жазо ўташ муддати судланувчи жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Марғилон шаҳар ИИБ Пробация бўлимига юклатилсин.

М.Ахмедовга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси суд ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича жабрланувчилар А.Таджибаев ва Б.Сулаймоновга етказилган моддий зарар бартараф этилгани инобатга олинсин.

Тергов ҳаракати баённомаси туширилган бир дона диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шу суд орқали Фарғона вилоят судига протест ёки шикоят келтириш ҳуқуқига эга.

Раислик қилувчи  
М.Марахимов

**Маъсул судья: Марахимов Музаффаржон Мирзарахмонович**

